

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**РАФИКОВ АКРОМ АДХАМОВИЧ**

**ИПАК-НИТРОН ТЎҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ  
ПАРДОЗЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

УЎК: 677.027.44-486.1

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical science**

Рафиков Акром Адхамович Ипак-нитрон тўқимачилик материалларини пардозлашнинг ўзига хослиги.....	3
Рафиков Акром Адхамович Особенности химической отделки шёлко-нитроновых текстильных материалов .....	21
Rafikov Akrom Adkhamovich Features of chemical finishing of silk-nitron textile materials.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**РАФИКОВ АКРОМ АДХАМОВИЧ**

**ИПАК-НИТРОН ТЎҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ  
ПАРДОЗЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T147 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (titli.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Набиева Ирода Абдусаматовна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алимова Халима Алимовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Максумова Ойтўра Сиддиқовна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «29» ноябр 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17, e-mail: [mail@titli.uz](mailto:mail@titli.uz) ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5.Тел: (+99871) 253-08-08).

Диссертация автореферати 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Қ.Ж.Жуманиязов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.З.Маматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**С.Ш.Ташпулатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда табиий толага бўлган талаб ошиб бормоқда. Тола ишлаб чиқаришининг 69% қисми кимёвий толага ҳамда 31% қисми табиий толага тўғри келишини инобатга олган холда, рационал толали аралашмаларни яратиш асосида енгил саноат буюмларининг сифати даражасини ошириш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>1</sup>. Шу жihatдан табиий ва кимёвий толалар аралашмаси асосида тўқимачилик материаллари ассортиментини кенгайтириш ва уларнинг истеъмол хоссаларини яхшилаш, хомашё базасидан янада унумли фойдаланиш ва табиий хомашёни тежашга катта аҳамият берилмоқда. Шу билан бирга аралаш матолардаги лавсанни алмаштира оладиган, кичик чизиқли зичликка эга бўлган, истиқболли, кўп тоннали синтетик толаларнинг асосий турларидан бири бўлган нитрон толалари ёрдамида тўқимачилик, трикотаж ва гилам корхоналарида турли толали материалларнинг соф холдаги ва табиий толалар билан аралашган холдаги буюмларини ва пардозлаш технологиясини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тажрибасида кимёвий тола ва ип ишлаб чиқаришни, табиий толалар билан сунъий ва синтетик толаларнинг кўп компонентли аралашмаси ҳисобига тўқимачилик ва трикотаж буюмлари ассортиментини кескин даражада кенгайтириш ва такомиллаш, толаларнинг турли аралашмаларидан кенг фойдаланиш ва шу аралашмалардан тайёрланган буюмларни пардозлашда махсус технологияни қўлланилишига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, модификацияланган нитрон ва табиий ипак асосидаги аралаш трикотажни тайёрлаш ва бўйаш жараёнлари авваламбор, полимерни табиатига, унинг аралашмадаги миқдорий нисбатига боғлиқ ва шундан келиб чиққан холда кимёвий пардозлаш технологиясини ишлаб чиқиш мазкур соҳани ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда тўқимачилик ва енгил саноатнинг ривожланишига, толали хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан табиий, сунъий ва синтетик толалардан тўқимачилик материаллари ишлаб чиқаришда сезиларли натижаларга эришилиб, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ўсди, тўқимачилик саноати ишлаб чиқаришини кескин рационаллаштирилди, қатор ҳолатларда эса тубдан реконструкция қилиш амалга оширилди. Шулар билан бир қаторда маҳаллий толали хомашё: пахта-нитрон, пахта-табиий ипак, табиий ипак-нитрон асосида тўқимачилик материалларининг янги ассортиментини яратиш технологиясини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли

---

<sup>1</sup>, <https://neftegaz.ru/analysis/view/8463-Himicheskie-volokna-na-mirovom-rynke.html>

тайёр махсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш»<sup>2</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда толали хомашёни қайта ишлаш, тўқимачилик материалларининг хоссаларини яхшилаган холда янги ипак-нитрон материалларини яратишга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чоралари дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва махсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табиий ипак макромолекулаларининг структурасини, конформациясини, физик-кимёвий хоссалари ва модификациясини Inoue Shunichi, E.C.Сашин, Zuo B., Lu Shen-zhou, Lei Yang ва бошқалар тадқиқ этишган. Полиакрилонитрил толаларининг олиниши, технологияси, хоссалари ва қўлланилиши Т.П.Устинова, Б.Э.Геллер ва бошқаларнинг ишларида ёритилган. Аралаш тўқимачилик материалларини оқартириш ва бўяшнинг ўзига хослигини тадқиқ этишни М.Н.Гусева, Г.Е.Кричевский, А.М.Киселев, Xie Kongliang, V.Takke, Kale Kiran, J.H.Jun, K.P.Chelmani ва бошқалар амалга оширишган.

Ўзбекистонда модификацияланган полиакрилонитрил толалари хоссалари ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш бўйича амалий саволларнинг назарий-методологик асосларини ёритувчи фундаментал тадқиқотларни И.З.Закиров, А.Л.Хамраев, К.Э.Эргашев, С.Д.Камилова, Д.Б.Худайбердиева ва бошқа олимлар бажаришган. Табиий ва кимёвий толалар асосидаги тўқимачилик материалларининг янги ассортиментини яратиш, аралаш матоларни қайнатиш, оқартириш, бўяш ва гул босиш жараёнлари бўйича муаммолар М.З.Абдукаримова, Х.А.Алимоваларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Таркибида толали компонентлардан бири сифатида табиий ипак ва полиакрилонитрил толаларини сақловчи аралаш тўқимачилик материалларини пардозлаш ва бўяшнинг қатор усуллари мавжуд. Лекин айнан ипак-нитрон аралаш матоларини пардозлаш бўйича ишлар адабиётларда мавжуд эмас,

---

<sup>2</sup> <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>

ҳозирги кундаги анъанавий технологиялар фақат ипак ёки фақат нитрон буюмларини колорирлашни назарда тутди. Ҳозирда нитрон толасини ипак толаси билан тўқимачилик матосини кимёвий пардозлаш, шу жумладан оқартириш, бўяш ва гулбосиш технологиясини яратиш илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб вазифа ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-6-029 «Модифицирланган полиакрилонитрил (ПАН) толаси нитрон ва табиий ипак аралашмасидан тайёр трикотаж олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011) мавзусидаги амалий лойиҳа ва Ф-7-08 «Кимёвий ва табиий толалар асосидаги аралаш материалларни кимёвий пардозлаш илмий асосларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш» (2012-2016) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий ипак ва модификацияланган нитрон толалари асосида тайёрланган тўқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш ва бўяш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- табиий ипак ва модификацияланган нитрон толалари аралашмасили тўқимачилик материалларини бўяш жараёнининг кинетикаси ва термодинамикасини ўрганиш ва шу орқали аралаш толали материалларни бўяшда турли синф бўёвчи моддаларининг ўзаро монандлигини аниқлаш;

- таркибида табиий ипак ва модификациялаган нитрон толаси бўлган икки қатламли трикотаж полотносини пардозлашга тайёрлаш ва бўяш технологиясини яратиш;

- табиий ипак ва модификацияланган нитрон толалари аралашмасили матони бўяш жараёнининг такомиллаштирилган ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида эшилган табиий ипак (ТИ), нитрон полиакрилонитрил (ПАН) толаси иплари, юқори ҳажмли модификацияланган нитрон калаваси, табиий ипак ва модификацияланган нитрон асосидаги икки қатламли трикотаж, 80:20 нисбатда нитрон толаси ва табиий ипак аралашмали матолари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** таркиби ва нисбати турли толали аралашмадан иборат тўқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш, оқартириш ва бўяш жараёнлари, бўялган материалларнинг хоссаларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида физик-кимёвий тадқиқот усуллари, тўқимачилик материалларини синаш, ИҚ-спектроскопик, спектрофотометрик, математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

модификацияланган нитрон толаси (МНТ) ва табиий ипак (ТИ) асосидаги тўқимачилик материали, икки қатламли трикотажни пардозлаш усуллари ишлаб чиқилган;

жараёни муқобиллашни ҳисобга олган ҳолда ипак-нитрон трикотажни оқартириш ва бўяш технологик режимлари ишлаб чиқилган;

аралаш матони бўяш жараёнининг кинетик, термодинамик кўрсаткичлари ва намуналарнинг колористик кўрсаткичлари аниқланган;

бўёвчи моддаларни толалар билан таъсирлашув тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ипак-нитрон икки қатламли трикотажни оқартириш ва бўяш технологияси ишлаб чиқилган;

ярим бўяш вақти бўйича катион ва дисперс бўёвчи моддаларнинг диффузия коэффициентлари аниқланган;

бўёвчи моддаларни толага мойиллиги, бўяш жараёнининг иссиқлик эффекти аниқланган;

нитрон ва табиий ипак асосидаги аралаш матони бўяш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий натижалар ва хулосаларнинг ишончлилиги назарий ва экспериментал натижаларнинг мутанособлиги, математик ҳисобларнинг аниқлиги, тадқиқотларни ИК-спектроскопик, спектрофотометрик, колориметрик, кинетик ва термодинамик каби замонавий усуллар билан бажарилганлиги, физик-кимёвий ва механик синовлар натижалари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дисперс ва катион бўёвчи моддаларнинг полиакрилонитрил толаси ва табиий ипак билан физик-кимёвий таъсирлашувини аниқланганлиги, аралаш тўқимачилик материалларини бўяш жараёнининг кинетик ва термодинамик жиҳатларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти полиакрилонитрил толалари ва юқори чизиқли зичликка эга бўлган хом ипакни қўлланилиш соҳаларини кенгайтирувчи табиий ва синтетик толалар асосидаги аралаш материалларни пардозлаш технологиясини ишлаб чиқилганлиги ҳамда бу технологиялар маҳаллий толали ресурсларни кўп босқичли ва чуқур қайта ишлаш орқали тўқимачилик буюмлари ассортиментини кенгайтириш ва либераллаштирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Аралаш толали материалларни ишлаб чиқиш ва кимёвий пардозлаш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

икки қатламли трикотаж учун ишлаб чиқилган композицияга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP04511, 2012). Натижада композициянинг қўлланилиши ўзида ипак ва нитроннинг юқори эксплуатацион хоссаларини мужассамлаштирган янги таркибли трикотаж олиш имконини берган;

модификацияланган нитрон толаси ва табиий ипак асосидаги янги таркибли трикотаж матосининг саноат-тажриба партиясини олиш бўйича ишлаб чиқилган технологик регламент «КОМПАНИЈА UNITEX» МЧЖ



корхонасида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖ 2017 йил 18 октябрдаги ДМ-144 сон маълумотномаси). Натижада юқори гигиеник хусусиятга эга бўлган янги таркибли трикотажд матоси олинган бўлиб, табиий ипакнинг аралашма таркибига қўшилиши, мавжуд полиакрилонитрил матосига нисбатан хавоўтказувчанлигини 37% га ҳамда намютувчанлигини 24% га ошириш имкони яратилган.

олинган янги ассортиментдаги трикотаж матосини бўйлаб бўйича ишлаб чиқилган технологик регламент «КОМПАНИЈА UNITEХ» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖ 2017 йил 18 октябрдаги ДМ-144 сон маълумотномаси). Натижада болалар устки кийими учун аралаш толали трикотаж матоларининг янги ассортиментлари олинган бўлиб, мавжуд бўйлаб технологиясига нисбатан электролит концентрациясини 5%га, ҳамда бўйлаб вақтини 15%га камайтириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола бўлиб, шу жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1 та ихтиро учун патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аралаш материаллар олиш ва кимёвий пардозлаш бўйича илмий тадқиқотлар ҳолатининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган, нашр этилган ишлар манбаалари бўйича илмий изланишлар ва таҳлил натижаларининг шарҳи берилган. I боб тўртта параграфдан ташкил топган. Табиий ипак (1 параграф) ва ПАН толаларининг (2 параграф) физик ва кимёвий хоссалари, аралаш толали тўқимачилик материалларни тайёрлаш, бўйлаб (3 параграф), гул босишнинг (4 параграф) ўзига хослиги ва истиқболлари муҳокама этилган.

Диссертациянинг «**Кимёвий пардозлаш жараёнларининг тажрибавий тадқиқотлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларининг

тавсифи, трикотаж ва тўқима материалларини кимёвий пардозлаш усуллари ва хоссаларини тадқиқ этиш услублари келтирилган. Трикотаж материалларини кимёвий пардозлаш қайнатишдан бошланади. Материални қайнатишнинг тадқиқ этилган учта усулидан натрий карбонат ва бисульфит сақлаган эритма танланди. Унда юқори капиллярлик ва оқлик даражасини таъминловчи компонентларнинг адсорбцияси ва толанинг бўқиши содир бўлади. Материални оқартириш водород пероксид эритмасида бажарилди, лекин максимал оқлик даражасига оптик оқартирувчилар иштирокида эришилди.

Кейинги технологик жараён – бу аралаш толали материални бўяшдир. Аралаш толали материални бўяш актив бўёвчи модда эритмасида кислотали ва ишқорли усул билан, бевосита, катион ва дисперс бўёвчи моддалар билан тадқиқ этилди. Ранг интенсивлиги ва равонлиги бўйича актив бўёвчи моддалар билан ишқорий усулда бўяш танланди.

Икки қатламли трикотажни бир ваннали усулда бўяш технологияси ишлаб чиқилди. Бўяш жараёни ванна модули 1:50 ва таркибида тола массасига нисбатан 3-5% бўёвчи модда бўлган бўяш эритмасида олиб борилади. Бўяш эритмасига 20 минут давомида 10-20 г/л ҳисобидан глаубер тузи эритмаси қўшилади. Сўнгра 15 минут давомида ҳарорат 50<sup>0</sup>С гача кўтарилади, шу ҳароратда 15 минут бўяш жараёни давом эттирилади, сўнгра бўяш эритмасига сода қўшилади (2 г/л сувсиз сода ҳисобидан) ва жараён яна 40 минут давом эттирилади. Шунданг сўнг бир неча бор қайноқ ва совуқ сув билан ювилади, кейин қуритилади.

Тўқимачилик материалларини бўялган намуналари хоссаларини комплекс тадқиқоти бажарилди: намуналарнинг капиллярлиги ва оқлик даражаси, матонинг ювишдан кейин киришиши, ранг интенсивлиги, совунли ишловга чидамлилиги, бўёвчи модданинг толадаги миқдори ва ранг равонлиги, бўяш жараёнининг диффузияси, активланиш энергияси ва термодинамик кўрсаткичлари, материалларнинг физик-механик хоссалари тадқиқ этилди. Бу тадқиқотларнинг натижалари диссертациянинг кейинги бобларида келтирилган.

Диссертациянинг **«Табиий ипак ва модификацияланган нитрон асосидаги аралаш трикотажнинг кимёвий пардозлаш технологияси»** деб номланган учинчи бобида икки қатламли трикотаж бўйича тадқиқотларнинг натижалари муҳокама этилди. Тўқимачилик саноати соҳалари ишлаб чиқараётган битта турдаги толали буюмлар учун тўқимачилик материалларини пардозлашга тайёрлаш ва бўяшнинг анъанавий технологияси маҳсулот ассортиментига мос равишда дифференциалланди. Толалар аралашмасининг кенг қўлланилиши шу аралашмалар асосидаги буюмларни пардозлашнинг махсус технологиясини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирди.

Кимёвий ва табиий толалардан иборат аралаш толали материалларни бўяш ва гул босишга тайёрлашда энг мураккаб жараён уларга гидрофиллик беришдир, бунга фақат табиий ташкил этувчи ҳисобидан эришиш мумкин. Пардозлашга тайёрлаш жараёни нитрон толасидан мойловчи ва антистатик моддаларни чиқариш, ҳамда ТИ ни елимсизлантириш (серицинни чиқариш) мақсадида олиб борилади. Ҳозирги вақтда қўлланиладиган ипакни

елимсизлантириш усуллари серицинни сувда, ишқор ва кислота эритмаларида эришига асосланган. Ипакни қайнатиш учун кўпроқ ишқорий реактивлардан фойдаланилади, чунки айнан ишқорий муҳитда серицинни чиқаришнинг кенг имкониятлари туғилади. Аммо, иссиқ ишқорий эритмалар билан ишлов бериш жараёнларида нитрил гуруҳларининг совунланиши ва макромолекуланинг деструкцияси ҳисобига нитрон толаси парчаланadi. Аралашмадаги алоҳида толали компонентларнинг ижобий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ТИ ва нитрон толалари асосидаги аралаш толали трикотажни пардозлаш имкониятларини кўриб чиқдик.

Дастлабки босқичда толалар аралашмасининг турли нисбатлардаги намуналаридан аралаш трикотаж олинди, унинг физик-механик ва сорбцион хоссалари тадқиқ этилди. Икки қатламли трикотаж матосини айлана кўринишда тўқийдиган икки фонтурли интерлок типидagi «МЕТО» машинасида ишлаб чиқарилди. Икки қатламли трикотажнинг ички тарафи материалга гигиениклик, юмшоқлик ва комфортлик берувчи ТИ ипларидан ишлаб чиқилди. Материалнинг ташқи тарафи трикотажга юқори эксплуатацион хоссалар берувчи юқори ҳажмли ПАН калавасидан ишлаб чиқилди.

Тайёрланган намуналарнинг физик-механик хоссалари «CENTEXUZ» сертификацион лабораториясида тасдиқланган услубиёт бўйича аниқланди (1-жадвал). Бажарилган тадқиқот натижаларига кўра, аралаш материал таркибида 70% нитрон ва 30% ипакнинг бўлиши тайёр материалнинг физик-механик хоссаларини яхшиланишига олиб келади. Шу муносабат билан, тажрибавий тадқиқотлар олиб бориш учун дастлабки материал сифатида таркибида нитрон ва ТИ 70:30 нисбатда бўлган трикотаж матоси танланди.

### 1-жадвал

#### Аралаш трикотаж намуналарининг физик-механик хоссалари

Намуналар ТИ:МНТ	Узилиш кучи, Н	Нам ютувчан- лик, %	Ҳаво ўтказув- чанлик, см <sup>3</sup> /см <sup>2</sup> ·сек	Юза зичли- ги, г/м <sup>2</sup>	Кири- шиш, %
0:100	509,6	1,18	71,8	231,7	0
30:70	491,4	1,56	114,9	231,7	0,8
50:50	472,8	1,98	138,3	231,7	1,2
70:30	459,1	2,64	164,5	231,7	1,8
100:0	446,9	3,0	192,3	231,7	2,2

### 2-жадвал

#### Полимерларнинг сув буғларини ютиши, 25<sup>0</sup>С

Намуна	100% нитрон трикотажи	100% ипак трикотажи	70/30 ипак-нитрон трикотажи
Нисбий намлик, %	Сорбция		
10	0,40	1,10	0,70
30	0,70	2,60	1,80
50	0,80	3,80	2,70
65	1,00	5,00	3,30
80	1,30	6,60	4,10
90	1,60	8,20	5,40
100	2,20	14,00	7,70

Толанинг сорбцион хоссалари уни қайта ишлашдаги ҳолатига ва яна ҳам муҳимроғи, тайёр буюмнинг хоссаларига таъсир этади (2-жадвал).

Толага сувни ютилиши бўйича олинган натижалар, аралашмага ТИ қўшилиши нитрон толалари сақловчи трикотажнинг сорбцион хоссаларини ортишини кўрсатади, бу болалар қишки ассортиментлари учун аҳамиятга эга.

Аралаш толали трикотажни тайёрлашнинг ўзаро маъқул режимларини топиш мақсадида тўқимачилик материалларини сифат кўрсаткичларига ТИ ни тайёрлашнинг учта усулини таъсири тадқиқ этилди. 1. ОП-10 САМ эритмасида 80-90<sup>0</sup>С ҳароратда 30 минут давомида. 2. Сода ва совун эритмасида 92-95<sup>0</sup>С да 60 минут давомида. 3. Сода ва натрий бисульфит эритмасида 90-92<sup>0</sup>С да 20 минут давомида. Намуналарнинг оқлик даражаси, капиллярлиги ва физик-механик кўрсаткичлари уларнинг сифат кўрсаткичлари сифатида танланди (4-жадвал; 0 – ишлов берилмаган вариант).

### 3-жадвал

#### Материалнинг сифат кўрсаткичларини дастлабки тайёрлаш усулига боғлиқлиги

Сифат кўрсаткичлари	Материал ва тайёрлаш усули											
	ТИ				МНТ				Аралаш трикотаж			
	0	1	2	3	0	1	2	3	0	1	2	3
Капиллярлиги, мм	25	200	215	220	34	210	220	227	70	210	220	230
Узилиш кучи, Н	242	236	228	224	181	187	300	285	246	350	450	410
Чўзилиши, %	66	65	64	63	80	81	81	83	76	77	77	79
Ҳаво ўтказувчанлиги, см <sup>3</sup> /см <sup>2</sup> ·сек	250	252	256	258	143	175	182	187	114	125	132	135

Таҷриба натижаларига кўра, МНТ ва аралаш трикотажнинг капиллярлиги ва физик-механик хоссалари 2-усул билан, ва айниқса 3-усул билан қайнатилганда ортади. Бу нитронни кичик концентрацияли ишқорий агентлар билан таъсирлашганда макромолекулаларнинг компакт ҳолатга ўтишини келтирувчи макромолекулаларнинг тикилиши билан тушинтирилади. Тикилган структура аралаш толали намуна таркибидаги МНТ физик-механик кўрсаткичларини ортишига олиб келади.

МНТ энг яхши оқартириш усулини аниқлаш мақсадида аралаш трикотаж ва МНТ оқлик даражасига оқартирувчиларнинг табиати ва концентрациясининг таъсири ўрганилди. Натижалар оптик оқартирувчи моддаларни (ООМ) қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Лекин, оқлик даражасини ООМ концентрациясига боғлиқлиги МНТ ва аралаш трикотаж массасига нисбатан 1,5% бўлганда максимумдан ўтувчи экстремал характерга эга эканлиги кўрсатилди.

Табиий ва кимёвий толалар аралашмасидан иборат маҳсулотларни бўяш технологиясини шаклантиришда, аралаш толали материалларни бир синф бўёвчи моддалари билан бўяш жараёни ўрганилди. Бунда айнан бир синфга мансуб бўлган бўёвчи моддалар билан бўялган намунада толалар табиатига боғлиқ равишда турли ранг интенсивликлари ҳосил бўлиши мумкин. Аралаш толали трикотажни бўяш учун тадқиқотларда актив, бевосита, катион ва дисперс бўёвчи моддалардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

4-жадвалда тажриба натижалари асосида аралаш толали трикотажни актив бўёвчи моддалар билан кислотали усулда бўялганда, ишқорий усулдан фарқли равишда, нитрон ташкил этувчисини деярли бўялмаслиги ва нотекис ранг ҳосил бўлиши келтирилган. Актив бўёвчи моддалар билан ишқорий усулда бўялганда нитрон толасини, кислотали усулга нисбатан, яхшироқ бўялиши, текис ранг ҳосил бўлиши кўринмоқда, ўз навбатида табиий ипакда интенсив ва рагон ранглар олинган.

#### 4-жадвал

### Бўялган намунанинг сифат кўрсаткичларини актив бўёвчи моддалар билан бўяш усулига боғлиқлиги

Намуналар	Ранг интенсивлиги, K/S		Совунга чидамлилиги, балл		Ранг норавонлиги, %	
	Ишқорий усул	Кислотали усул	Ишқорий усул	Кислотали усул	Ишқорий усул	Кислотали усул
ТИ	11,6	22	5/5/5	4/3/4	0,3	0,6
МНТ	1,0	6,3	4/5/5	4/4/4	0,6	0,8
Аралаш трикотаж*	7,8/15	2,5/10	<u>5/5/5</u> 4/5/5	<u>4/4/4</u> 4/4/4	0,5/0,4	0,4/0,3

\*Изоҳ: махражда ТИ, суратда МНТ.

Таркибида ТИ ва жун толалари бўлган тўқимачилик материалларини бўяшда бевосита бўёвчи моддалар кенг қўлланилмайди. Трикотажни бевосита бўёвчи моддалар билан бўяш жараёни кучсиз ишқорий муҳитда олиб борилди, унда оксил толалари манфий зарядланади ва зарядни компенсация қилиш учун бўяш эритмасига электролит қўшилади. Бўялган аралаш толали трикотажнинг сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотлар 5-жадвалга келтирилган.

Келтирилган натижалардан бевосита бўёвчи моддалар билан модификацияланган нитрон толаси юзасида жуда паст интенсивликдаги рангларни ҳосил бўлишини кузатишимиз мумкин. Лекин аралаш толали трикотажнинг ҳар иккала компонентида ҳам рагон - текис ранглар ҳосил бўлган.

#### 5-жадвал

### Бевосита бўёвчи моддалар билан бўялган намуналарнинг сифат кўрсаткичлари

Намуналар	Ранг интенсивлиги, K/S		Совунга чидамлилиги, балл		Ранг норавонлиги,%	
	Tubantin GELB GR	Tubantin Tuerkis FBL Cons	Tubantin GELB GR	Tubantin Tuerkis FBL Cons	Tubantin GELB GR	Tubantin Tuerkis FBL Cons
ТИ	3,8	4,5	4/3/3	4/3/4	0,2	0,1
МНТ	0,7	1,3	3/3/3	4/3/4	0,2	0,2
Аралаш трикотаж*	4/1	4,7/2	<u>4/3/3/</u> 3/3/3	<u>4/3/4</u> 4/3/4	0,2/0,3	0,2/0,3

\*Изоҳ: махражда ТИ, суратда МНТ.

Актив ва бевосита бўёвчи моддалар билан бўялган намуналарда меланж эффектини ҳосил бўлиши ва аралашманинг синтетик ташкил этувчиси нисбатан пастроқ ранг интенсивлигига эга бўлганлиги сабабли намуналарни дисперс бўёвчи моддалар билан бўяш имкониятлари тадқиқ этилди (6-жадвал). Натижада намуналарнинг ипак қисми бўялганлигини, лекин, нитрон қисмига

нисбатан паст интенсивликда эканлигини кўрсатмоқда, намуналарда раво ранглар ҳосил бўлган.

6-жадвал

**Дисперс бўёвчи моддалар билан бўялган намуналарнинг сифат кўрсаткичлари**


Намуналар	Ранг интенсивлиги, K/S		Совунга чидамлилиги, балл		Ранг норавонлиги, %	
	Сариқ-жигарранг	Kimsoline Bluese-51	Сариқ-жигарранг	Kimsoline Bluese-51	Сариқ-жигарранг	Kimsoline Bluese-51
ТИ	0,7	1,0	5/5/5	5/5/5	0,3	0,2
МНТ	6,0	6,8	5/5/5	5/3/4	0,8	0,7
Аралаш трикотаж*	6,8/0,4	7,2/0,8	<u>5/5/4</u> 5/5/4	<u>5/4/4</u> 5/4/4	0,7/0,2	0,7/0,1

\*Изох: махражда ТИ, суратда МНТ.

Кейин тадқиқ этилаётган тўқимачилик материалларини катион бўёвчи моддалар билан бўялиши ўрганилди, бу бўёвчи моддалар асосли бўёвчи моддаларнинг модификацияси ҳисобланиб, аралаш толали трикотажнинг нитрон ташкил этувчисини ҳам, ТИ ташкил этувчисини ҳам бўяши мумкин.

1-расмда муҳит рН кўрсаткичи ва бўяш давомийлигини катион бўёвчи моддалар (BezacrylR) билан бўялган МНТ ва ТИ нинг ранг интенсивлигига таъсири кўрсатилган.


1(а) расмдан ранг интенсивлигини муҳитнинг рН кўрсаткичига боғлиқлиги чизиқли эмаслиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Расмда келтирилган эгри чизиқ ранг интенсивлиги рН 3 га тенг бўганда кескин ортишини кўрсатмоқда, рН нинг кейинги ортиши интенсивликнинг камайишига олиб келади. Бу, эҳтимол, ТИ нинг изоэлектрик нуқтаси тахминан тўртга тўғри келиши билан тушинтирилади. Иккала ташкил этувчидаги рангнинг бир хил интенсивлиги 40 минутдан кейин ҳосил бўлади (1(б)-расм). Бўялиш давомийлигини кейинги ортиши МНТ да сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқармайди, ТИ да эса бўёвчи модданинг десорбцияси ҳисобига ранг интенсивлигини камайишига олиб келади.



1 – МНТ, 2 – ТИ

**1-расм. Ранг интенсивлигини муҳит рН кўрсаткичи (а) ва бўялиш давомийлигига (б) боғлиқлиги**

Синтетик толадаги рангнинг интенсивлиги температура ортиши билан тўғри пропорционал ортади ва 95-98<sup>0</sup>С да максимал қийматга эришади. Шу температурада ТИ ва МНТ да бир хил интенсивликдаги текис рангларни олиш мумкин. Бу ҳолат 2(а)-расмда кўрсатилган.



**2-расм. Ранг интенсивлигини бўйаш температураси (а) ва САМ концентрациясига (б) боғлиқлиги**

САМ толаларга хўлланувчанлик хоссаларини бериш учун қўлланилади, натижада бўёвчи модданинг сорбциясини яхшилашга ёрдам беради. Улар бўёвчи модда билан таъсирлашиши мумкин, бўёвчи моддани дисперсаш орқали толани бир текис бўялишини таъминлайди. САМ нинг концентрацияси ҳам бўялиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. 2(б)-расмдан кўринишича, бўёвчи модда эритмасида САМ концентрациясининг ортиши билан ранг интенсивлиги пропорционал равишда ортади, лекин концентрациянинг 1,5 г/л дан ортиши ранг интенсивлигининг камайишига олиб келади. Катион бўёвчи моддаларни аралаш толали трикотажнинг ипак ва нитрон ташкил этувчиларидаги мустахкамлиги тадқиқ этилди (7-жадвал).

Жадвалдан кўришиб турибдики, иккала ташкил этувчилардаги бўёвчи моддалар ўхшаш тозалик ва бир хил текислик билан тафсивланади. Нитрон толасидаги рангнинг мустахкамлиги юқори. Бу ҳолат модификацияланган нитрон структурасида карбоксил –COOH гуруҳларидан ташқари гидроксил, аминок- ва қўшимча карбоксил гуруҳларига эга эканлиги билан боғлиқ. Шу гуруҳлар ёрдамида асосий ион боғлар билан бир қаторда боғланишнинг бошқа турлари – водород боғлари, Ван-Дер-Ваальс кучлари вужудга келади.

**7-жадвал**

**Катион бўёвчи моддалар билан бўялган намуналарнинг сифат кўрсаткичлари боғлиқликлари**

Намуналар	Ранг интенсивлиги, K/S	Совунга чидамлилиги, балл.	Ранг норавонлиги, %
Табий ипак	23	3/3/4	0,7
МНТ	20	5/3/4	0,2
Аралаш трикотаж*	19/23	3/4/4 4/4/4	0,2/0,4


\*Изох: махражда ТИ, суратда МНТ.

Тўқимачилик материалнинг бўялиш самарадорлиги, авваломбор, бўёвчи модда молекулаларининг тола макромолекулалари билан таъсирлашуви орқали белгиланади. Тайёрлов ва бўйаш компонентлари билан тола

макромолекулаларининг таъсирлашув механизмини аниқлаш учун ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар ўтказилди. ТИ, МНТ ва ипак-нитрон аралаш толали трикотажни бўялган намуналарининг ИҚ-спектрлари олинди.


Бўялган ипак-нитрон аралаш толалари ИҚ-спектрлар ютилишларини таҳлил қилиб, уларни бўялган нитроннинг спектрлари билан ташқи ўхшашлигини кўриш мумкин (3-расм). Барча учта спектрларда 2600 (ипак), 2530 (нитрон) и 2550 (нитрон-ипак)  $\text{см}^{-1}$  соҳаларда кам интенсивликка эга бўлган кенг ютилиш чизиқлари мавжуд. Бу чизиқларни бўёвчи модда ва тола функционал гуруҳлари ион комплексининг скелетига тегишли қилиш мумкин. Бўялган толалар аралашмасининг ИҚ-спектрларидаги 2370 ва 2320  $\text{см}^{-1}$  соҳаларда янги ютилиш чизиқлари пайдо бўлади, улар ипак ва нитрон спектрларида мавжуд эмас. Бу ютилиш чизиқлари бўёвчи модда ва тола молекулалари орасидаги боғларнинг тебранишларига тегишли.

Кейинги тадқиқотлар алоҳида компонентларни моддаларнинг ўзаро таъсирлашув механизмига таъсирини аниқлашга йўналтирилди. Бунинг учун бўёвчи модда эритмасида компонентлардан бири мавжуд бўлмаган шароитда бўялган толаларнинг ИҚ-спектроскопик тадқиқотлари бажарилди.



3-расм. Катион бўёвчи моддалар билан бўялган МНТ ва ТИ асосидаги трикотаж матонинг ИҚ-спектри

ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар асосида ва адабиётларда келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда катион бўёвчи моддани толанинг карбоксил гуруҳлари билан таъсирлашув схемасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:





Шундай қилиб, оксил ва нитрон толаларида катион бўёвчи моддалар ион (41-82 кДж/моль) ва водород боғлари (21-42 кДж/моль) ва Ван-Дер-Ваалс кучлари ҳисобига тутилиб туради.

Матоларни кимёвий пардозлашни жадаллаштиришнинг истиқболли усулларида бири матоларни тайёрлаш ва бўяш жараёнларини бирлаштириш ҳисобланади. Бирлаштириш натижасида айрим технологик босқичларни чиқарилиши энергия ва меҳнат ресурсларини, ишлаб чиқариш майдонларини иқтисод қилиш, меҳнат самарадорлигини 30-50% га ошириш имкониятини яратади. Кейинги тадқиқотлар икки қатламли трикотажни тайёрлаш ва бўяш жараёнларини бирлашган технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилди.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида бирлашган усулни намуналарнинг колористик кўрсаткичларига таъсири тадқиқ этилди. Ҳарорат-вақт тартиби ҳамда қайнатиш ва бўяш эритмасидаги кимёвий реагентларнинг ўхшаш эканлигини инобатга олган ҳолда, биз юқорида келтирилган жараёнларни бирлаштиришга ҳаракат қилдик.

Бирлаштирилган усулда актив бўёвчи модда билан бўяш жараёнини ишнинг услубий қисмида келтирилган усул бўйича олиб борилди. Бирлаштирилган усулда ҳам бўёвчи модданинг толадаги миқдори, бўялган намуналарнинг ранг интенсивлигини аниқлашда камаймаслиги маълум бўлди (8-жадвал).

#### 8-жадвал

#### Намуналарнинг ранг кўрсаткичларининг бўяш усулига боғлиқлиги

Бўёвчи модда	Ранг интенсивлиги, K/S				Совунга чидамлик, балл				Ранг ёркинлиги,%			
	Икки босқичли жараён		Бирлаштирилган жараён		Икки босқичли жараён		Бирлаштирилган жараён		Икки босқичли жараён		Бирлаштирилган жараён	
Актив	МНТ	ТИ	МНТ	ТИ	МНТ	ТИ	МНТ	ТИ	МНТ	ТИ	МНТ	ТИ
Ишқорий усул: Bezaktiv Gelbs- 3r 150	2,1	3,8	2,8	4,3	5/4/4	4/3/3	5/4/4	5/4/4	0,5	0,7	0,2	0,1
Кислотали усул: Bezaktiv Blau S-GDL 150	2	3,8	2,	3,8	3/4/4	4/3/3	5/4/4	5/5/5	0,8	0,7	0,4	0,3

ТИ ва МНТ асосидаги трикотажни пардозлашнинг бирлашган жараёнини амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги тадқиқотлар орқали аниқланди. Лекин, тажрибалар кўрсатишича, бирлашган усулда ҳам трикотажнинг иккала тарафида бир хил интенсивликни ҳосил қилиш мумкин эмас экан. Шунинг учун икки синф бўёвчи моддаларини параллел бирлаштириш усули тадқиқотларга жалб этилди: бевосита ва катион; актив ва катион. Тадқиқотларда ТИ ва МНТ асосидаги аралаш трикотажни катион ва бевосита бўёвчи моддалар билан бўяш усуллари ўрганилди (9-жадвал).

9-жадвал маълумотларидан аниқланишича, икки ваннали усул билан катион ва бевосита бўёвчи моддалар билан бўялганда аралаш тўқимачилик материалида бир хил ранглари хосил қилиш мумкин.

**Аралаш трикотаажнинг ранг интенсивлигини катион ва бевосита бўёвчи моддалар аралашмаси билан бўяш усулига боғлиқлиги**

№	Бўяш усули	Ранг интенсивлиги	
		Ипак	Нитрон
1	Катион бўёвчи моддалар билан бўяш	22	34
2	Бевосита бўёвчи моддалар билан бўяш → ювиш → катион бўёвчи моддалар билан бўяш → ювиш	29	31
3	Бевосита бўёвчи моддалар билан бўяш → рангни мустахкамлаш → катион бўёвчи моддалар билан бўяш → ювиш	22	31
4	Катион бўёвчи моддалар билан бўяш → ювиш → бевосита бўёвчи моддалар билан бўяш → ювиш	20	31
5	Бевосита ва катион бўёвчи моддалар (3:7) билан бўяш → рангни мустахкамлаш	27	33
6	Бевосита ва катион бўёвчи моддалар (3:7) билан бўяш → ювиш	32	34

Изоҳ: катион ва тўғри бўёвчи моддаларнинг 5:5 нисбатдаги аралашмаси.

Кейинги тадқиқотларда тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилди, у эса бир вақтда барча омилларни ҳисобга олиш, асосий эффектлар ва таъсирлашув эффектларинини миқдорий қийматларини аниқлаш имконини беради. Оптималлаштириш бир хил шароитда бошқа бўёвчи моддаларга нисбатан бўёвчи ванна таркиби ўзгаришига кўпроқ сезилувчан бўлган катион бўёвчи моддалар учун бажарилди. Бир факторли қатор тажрибалар натижаларига кўра бўялган намуналарнинг ранг тавсифларига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди: электролит концентрацияси, бўяш ваннаси муҳити, бўяш давомийлиги. Оптималлаштириш параметри сифатида нитрон юзасидаги ранг интенсивлиги танланди. Математик ҳисоблар тажриба натижаларини регрессия тенгламасига муносиб эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **ипак-нитрон матоларини кимёвий пардозлаш** технологияси тадқиқотлари натижалари келтирилган. Асосий компонентлари бўёвчи модда, электролит ва ишқорий агент бўлган актив бўёвчи моддалар билан анъанавий бўяш технологиясига кўра ипларни бир ваннада бўяшга нисбатан, алоҳида бўялганда ранг интенсивлигининг яқин қийматлари олинди ( $K/S=13$  и  $K/S=11$ ). Бир ваннали бўяшда ТИ ва нитрон учун интенсивлик мос равишда  $K/S=17$  и  $K/S=6$  ни ташкил этди.

Ранг интенсивлигининг юқори кўрсаткичи ( $K/S=13$ ) катион бўёвчи модда билан  $98^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 75 минут давомида бўялганда кузатилди, худди шу шароитда актив бўёвчи моддалар билан бўялганда аралаш матонинг ранг интенсивлиги  $K/S=10$  қийматга эга. Бу ҳолат узоқ вақт юқори температура таъсири натижасида нитрон юзасида бўш ҳажмларнинг юзага келиши билан боғлиқдир, бу эса катион бўёвчи модданинг диффузия тезлиги ортишига олиб келади. Бўёвчи моддани мато толасига ютилиши натижалари бўйича ҳисобланган термодинамик параметрлар бўёвчи модда молекуласи ва мато толалари орасида мустахкам боғлар ҳосил бўлишини кўрсатмоқда (10-жадвал).

**Бўяш жараёнининг термодинамик ва кинетик кўрсаткичлари**

Бўёвчи модда синфи	Бўёвчи моддани толага мойиллиги $\Delta\epsilon$ , кЖ/моль	Бўяшнинг иссиқлик эффекти, $\Delta H$ , кЖ/моль	Температуранинг бўяш жараёнига таъсирининг кинетик ҳисоблари $E$ , кЖ/моль	
			Ипак	Нитрон
Дисперс қизил Ж	9,155	16,356	31,66	30,86
Катион пушти 2С	24,7	53,74	27,94	32,23

Термодинамик ва кинетик ҳисоблардан ҳамда ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб катион пушти 2С ва дисперс қизил Ж бўёвчи моддаларни аралаш мато толалари билан таъсирлашув схемаси тақдим этилди.

**ХУЛОСА**

«Ипак-нитрон тўқимачилик материалларининг пардозлашнинг ўзига хослиги» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ипак-нитрон трикотаж материалларининг бўяшга тайёрлашда ҳам ипакни елимсизлантириш учун қўлланиладиган эритмадан фойдаланиш тавсия этилади. Капиллярлик, ҳаво ўтказувчанлик ва физик-механик хоссаларнинг энг эҳши кўрсаткичларига таркибида натрий карбонати ва бисульфити бўлган эритмадан фойдаланилганда эришилади. Бунда юқори капиллярлик ва оқлик даражасини таъминловчи компонентларнинг адсорбцияси ва толанинг бўкиши содир бўлади. Натижада оптик оқартирувчилар билан максимал оқлик даражасига эришиш имконини берган.

2. Табиий ипак ва модификацияланган нитрон толаси асосидаги трикотаж матоларининг тайёрлаш ва бўяш жараёнларининг бир ваннали ва бирлашган усулда қиёсий таҳлили аралаш материалнинг ҳар иккала ташкил этувчисида икки ваннали усулда меланж эффект хосил бўлгани учун, интенсив рангларни кимёвий пардозлашнинг бирлаштирилган усулда ишлаб чиқиш имконини берган.

3. Маълум шароитларда икки синф бўёвчи моддаларининг мутаносиблигига эришилади. Бевосита (Tubantin gelb GR) ва катион (Bezacryl goldgelb GL 200) бўёвчи моддаларнинг 1:9, 2:8, 3:7, 4:6 нисбатларида ўрганилган бўёвчи моддаларни 0,5% ва 2%-ли эритмаларининг оптик зичлиги 0,1-1,0 қийматлар орасида бўлади. Бўёвчи моддаларнинг 0,5%-ли эритмаларининг ҳарорат таъсирига чидамлилиги, 2:8 ва 3:7 нисбатларининг вақт давомида барқарорлиги аниқланди. Бўёвчи моддаларнинг танланган нисбатлари асосида табиий ипак ва нитрон толалари композициясидан ташкил топган трикотажни бир текис ва мустаҳкам бўяш технологияси тақдим этилди. Натижада аралаш тўқимачилик материаллари юзасига пигментлар билан гул босиш имконини берган.

4. Модификацияланган нитрон толаси ва юқори чизиқли зичликли табиий ипакдан иборат икки қатламли трикотаж матоларини бўяшга тайёрлаш ва бўяш технологияси ишлаб чиқилди. Махаллий толали материаллар асосида толали хомашёни чуқур қайта ишлаш йўли билан тўқимачилик маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш имкониятлари кўрсатилди. Аралаш материал таркибига нитрон толаларининг киритилиши қимматбаҳо табиий тола – табиий ипакни иқтисод қилиши, болалар учун янги трикотаж ассортиментидеги қишки устки кийимларни ишлаб чиқариш имконини берган.

5. Катион ва дисперс бўёвчи моддаларнинг диффузия коэффиценти аниқланди. Аралаш матони бўяшнинг термодинамик параметрлари топилди, бўёвчи моддани толага мойиллиги, бўяш жараёнининг иссиқлик эффекти аниқланди. Бўёвчи моддаларни толалар билан таъсирлашув схемалари аралаш тўқимачилик материалларини турли синф бўёвчи моддалари билан бўяш механизмини аниқлаш ва маҳсулотларни эксплуатация жараёнларида ранг мустахкамлигини башорат қилиш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**РАФИКОВ АКРОМ АДХАМОВИЧ**

**ОСОБЕННОСТИ ХИМИЧЕСКОЙ ОТДЕЛКИ ШЁЛКО-НИТРОНОВЫХ  
ТЕКСТИЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/T147**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Набиева Ирода Абдусаматовна**  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Алимова Халима Алимовна**  
доктор технических наук, профессор

**Максумова Айтура Сиддиковна**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон**

Защита диссертации состоится «29» ноября 2017 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (99871) 253-06-06; факс: (99871) 253-36-17; e-mail: mail@titli.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №\_\_). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, Тел.: (99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(Протокол рассылки № \_\_ от \_\_\_\_\_ 2017 года).

**К.Ж.Жуманиязов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**А.З.Маматов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**С.Ш.Ташпулатов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире последние годы стремительно растет потребность к текстильным изделиям из натуральных волокон. Имея ввиду, от всего производимых волокон 69% приходится на химическое волокно и 31% на природное волокно, особое внимание уделяется технологии повышения качества товаров легкой промышленности на основе создания рациональных волокнистых смесевых материалов<sup>1</sup>. В этом аспекте большое значение придается расширению ассортимента текстильных материалов на основе природных и химических волокон, улучшению их потребительских свойств, более рациональному использованию сырьевой базы и экономии природного сырья. Наряду с этим важнейшей задачей остаются создание и разработка технологии отделки изделий в чистом виде и в смеси с натуральными волокнами текстильных, трикотажных и ковровых предприятиях с помощью одного из основных видов крупнотоннажных синтетических волокон нитрона малой линейной плотности наиболее перспективного и способного заменить в смесевых тканях лавсан.

В мировой практике большое внимание уделяется совершенствованию производства химических волокон и нитей, значительному расширению ассортимента текстильных и трикотажных изделий за счет многокомпонентных смесей природных волокон с искусственными и синтетическими волокнами, широкому использованию разнообразных смесей волокон и применению специальной технологии облагораживания изделий из этих смесей. В связи с тем, что процесс подготовки и крашения смесевых трикотажных изделий на основе модифицированного нитрона и натурального шёлка зависит, прежде всего, от природы полимера и его количественного соотношения в смеси, разработка технологии химической отделки является одной из основных задач развития данной отрасли.

С первых лет независимости Республики Узбекистан, в нашей стране особое внимание уделяется развитию текстильной и легкой промышленности, комплексной переработке волокнистого сырья до готового изделия. В этом отношении достигнуты весомые результаты по производству текстильных материалов из природных, искусственных и синтетических волокон, ощутимо увеличены масштабы производства, произведена значительная рационализация, а в ряде случаев и коренная реконструкция производства текстильной промышленности. Наряду с этим требуется разработка технологии создания новых ассортиментов текстильного материала на основе местного волокнистого сырья: хлопок–нитрон, хлопок–натуральный шёлк, натуральный шёлк–нитрон. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы определены задачи, в том числе « ... на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов интенсивное развитие производства готовой продукции с высокой добавленной

---

<sup>1</sup> <https://neftegaz.ru/analysis/view/8463-Himicheskie-voлокna-na-mirovom-rynke.html>.

стоимостью»<sup>2</sup>. При выполнении этой задачи особую значимость приобретает проведение научных и практических исследований, направленных на многоступенчатость переработки волокнистого сырья, в том числе натурального шёлка и полиакрилонитрильных волокон, улучшение эксплуатационных свойств текстильных материалов, создание новых ассортиментов шёлко-нитроновых материалов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2687 от 21 декабря 2016 года «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017–2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Структуру, конформацию макромолекул, физико-химические свойства и модификацию натурального шёлка исследовали Inoue Shunichi, E.C. Сашина, В. Zuo, Lu Shen-zhou, [Lei Yang и др.](#) Получение, технология, свойства, применение полиакрилонитриловых волокон освещены в работах Т.П. Устиновой, Б.Э. Геллер и др. Исследования особенностей отбели и крашения смесевых текстильных материалов провели М.Н. Гусева, Г.Е. Кричевский, А.М. Киселев, Kongliang Xie, V. Takke, Kale Kiran, J.H. Jun, K.P. Chelmani и др.

